

**Контейнери булган юридик шахс (ёки якка тартибдаги тадбиркор) учун
каттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш
090555-сонли ШАРТНОМА**

2022 йил “10” 01

Тошкент.ш.

Бундан буён “Ижрочи” деб аталувчи 2018 йил “09” январдаги 2305/01-сонли ишончнома асосида ҳарагатланаётган “Сергели-Махсустранс” автотранспорт филиали директори Т.Г.Якубов тимсолидаги “Махсустранс-ишлаб чиқарувчи бошқармаси” давлат унитар корхонаси бир тарафдан ва бундан буён «Истеъмолчи» деб аталувчи бошқа тарафдан, “Тошкент-АЭРО” ИБКномидан Низом асосида иш юритувчи бошлиқ ўринбосари А.Б.Мухаммадиев тимсолидаги биргаликда эса бундан буён «Тарафлар» деб аталувчилар, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. Шартнома мавзуси

1.1. Ушбу Шартномага биноан Ижрочи билан Истеъмолчи каттиқ маиший чиқинди (КДЧ)ларини олиб чиқиб кетиш хизматлари бўйича тўғридан-тўғри хўжалик алоқа ўрнатилади. Истеъмолчи топширади, Ижрочи эса ўрнатилган тфтибда тасдиқланган тарифлар бўйича ҳақ эвазига Истеъмолчи жойлашган ҳудуд “И.Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропорти” манзилидан бир ойда “5 (беш)” маротаба 5 дона (770 л., 1.100 л., 20 м³) чиқинди тўплаш (сақдаш) ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларни кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади, Истеъмолчи эса бу хизматлар учун олдиндан ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. ҚМЧни умумий тўпланиши бир ойга 5,5 м³, уч ойга 16,5 м³.

2. Кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилиш.

2.1. Истеъмолчи ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун ҳар ойлик тўловларни амалдаги тарифлар бўйича бевосита Ижрочининг банк ҳисоб рақамига ушбу Шартноманинг 2.5-бандида белгиланган миқдорда олдиндан амалга оширишлари шарт.

Ушбу Шартнома тузиш пайтидаги амалдаги тарифлар бўйича хизмати қиймати ҚМЧлар ҳажмининг ҳар бир м³ учун 53986,96 сўмни, ҚҚС билан 62084,54 сўмни ташкил этади.

2.2. Ушбу Шартнома бўйича бир ойлик белгиланган тўлов умумий суммаси 341464,97 сўмни, уч ойлик умумий суммаси эса 1024394,91 сўмни ташкил этади. Хизматлар учун тарифлар миқдори ўзгарганда ушбу Шартномага қўшимча келишув расмийлаштирилмаган ҳолда хизматлар учун тўловлар ўзгарилган тарифлар бўйича амалга оширилади.

2.3. Ижрочи ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларнинг тартиби ва амалдаги тарифлари, шунингдек тарифларнинг ўзгарганлиги тўғрисида ушбу тарифлар кучга киришидан аввал қонун ҳужжатларида белгиланган муддатда ўзининг веб-сайтида, стендида, эълонлар тахтасида эълонлар жойлаштириш/ошиш йули билан, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали Истеъмолчини хабардор қилади.

2.4. ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун тўловни ҳисоблаш тегишли даврларда амалда бўлган хизматлар учун тарифлар бўйича амалга оширилади.

2.5. Истеъмолчи томонидан ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар учун ҳисоб-китоб оyi бошланишидан камида 1 кун олдин Ижрочининг банк ҳисоб рақамига ушбу Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган ойлик ҳажми қийматининг 100 фоизи олдиндан тўлов (аванс) асосида амалга оширилади.

2.6. Истеъмолчига хизматлар олдиндан тўловсиз кўрсатилмайди.

2.7. ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш бўйича тегишли бўлмаган сифатдаги ёки белгиланган муддатлардан ортиқ узилишлар билан хизматлар кўрсатилганда, ушбу даврда хизматлар учун тўловлар камайтиради.

3. Ижрочининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1. Ижрочи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун қонун ҳужжатларига ва ушбу Шартномага мувофиқ тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда олиш;

Истеъмолчига қарздорлик тўғрисида талабнома (огоҳдангириш хати) юбориш;

ҚМЧларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ундириш бўйича судга даъволар тақдим қилиш, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда неустойка ундириш.

3.2. Ижрочи куйидагиларга мажбур:

Истеъмолчининг мурожаатига асосан ҚМЧларни тўплаш учун контейнерларнинг зарур миқдорда бўлишини таъминлаш;

ҚМЧларни олиб чиқиб кетишнинг минимал даврийлигига риоя этиш;

Истеъмолчига ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш бўйича конун ҳужжатлари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига (шу жумладан 0297-11-сонли санитария қоидалари ва нормалари) ва ушбу Шартнома талабларига мувофиқ зарур сифатдаги хизматлар кўрсатиш;

ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш жадвалига риоя қилинмаган ҳолатларда Истеъмолчининг ўзининг диспетчерлик хизматида тушган буюртманомаларини оператив тартибда (бир иш кунидан кечикмай) бажариш;

ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматларининг амалга ошириладиган режими ва сифати бўйича Истеъмолчининг аризалари, таклифлари, шикоятлари ва сўровномалари, шунингдек уларнинг ижроси ҳисобини олиб бориш;

Истеъмолчига унинг сўровига асосан маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишнинг амалдаги тартиби, талаблари, қоидалари ва хизматлар кўрсатиш тартибининг, тарифларининг ўзгарганлиги, хизматлар учун тўловлар ҳисоб-китобининг ҳолати, тўловлар бўйича қарздорликларнинг мавжудлиги ёки йўқлиги тўғрисида бепул маълум қилиш;

Истеъмолчига кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва янги камчиликларнинг олдини олиш чораларини кўриш;

фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлиги, атроф муҳит учун хавfli бўлган бактерияларнинг ва бошқа зарарли моддаларнинг ривожланишига, чиқиндиларнинг кўплаб тўпланиб қолишига қарши режали ишларни олиб бориш.

3.3. Ижрочи қонун ҳужжатларига ва ушбу Шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4. Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Истеъмолчи куйдаги ҳуқуқларга эга:

ўн икки ойдан ортиқ бўлмаган давр учун олдиндан ҳақ тўлаш, кейинчалик тегишли тарифлар ошганда қайтадан ҳисоб-китоб қилмаслик;

ушбу Шартномага мувофиқ зарур кўламда, белгиланган сифатда, ўзининг (агар у яқка тартибдаги тадбиркор бўлса) ва бошқа жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун хавфсиз бўлган, мулкига зарар етказмайдиган хизматлардан фойдаланиш;


Ижрочидан хизмат кўрсатишнинг амалдаги тартиби, талаблари, қоидалари ва ўзгаришлар тўғрисидаги, шунингдек, маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар тарифлари тўғрисида маълумот олиш, реал вақт режимида шахсий ҳисоб варақларининг ҳолатини кўзатиб бориш;

Ижрочи томонидан ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш жадвалига риоя қилинмаган ҳолатларда Ижрочининг оператив тартибда (масалан, 71.250-97-54 телефон рақами орқали) ҚМЧларни олиб чиқиб кетиш чораларини кўриши лозим бўлган диспетчерлик хизматида буюртманома бериш;

Ижрочи томонидан ушбу Шартнома мажбуриятлари сифатсиз бажарилган ҳолатларда Ижрочига ёзма, электрон ёки оғзаки шаклда шикоят қилиш ва Ижрочидан хизматлар тўлиқ кўрсатилмаганлиги ёки тегишлича бўлмаган сифатдаги хизматлар кўрсатилганлиги ҳолатини тасдиқловчи далолатномани тузишни, шунингдек, аниқланган камчиликларнинг белгиланган муддатларда бепул бартараф этилишини ва ушбу Шартномада келишилган миқдорларда неустойка тўланишини талаб қилиш;

ўзининг фаолиятини вақтинча ёки бутунлай тўхтаганлигининг ҳужжатлар билан тасдиқланган давр ёки шартномада белгиланган тартибда хизматлар кўрсатилмаган давр учун хизматларга ҳақ тўлаш мажбуриятларидан тўлиқ озод бўлиш;

Ижрочи томонидан сифатсиз хизмат кўрсатилганлиги сабабли, агар Ижрочи ўз вақтида ушбу Шартномани бажаришга киришмаса ёки сифатсиз хизмат кўрсатса, зарарлар ундирилишини талаб этиб судга мурожаат қилиш.



4.2. Истеъмолчи қуйидагиларга мажбур:

Ижрочи томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорда тўлаш;

ҚМЧларни уларни жойлаштиришда белгиланган чиқинди контейнерларга ташлаш;

хар қандай чиқиндиларни руҳсат этилмаган жойларга ва объектларга (кўчаларга, сув йулларига, ариқ ва қаттик ҳамда суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва кўмиш учун белгиланмаган бошқа жойларга) ташламаслик ҳамда жойлаштирмаслик;

ҚМЧларни хар қандай жойларда махсус техник қурилмаларсиз ёқмаслик;

ҚМЧларни махсус автотранспорт воситасига ортиш учун Ижрочига ортиш жойига бемалол ўтишини таъминлаш;

чиқинди тўплаш контейнерларнинг носозликлари аниқланганда хизмат кўрсатувчи ташкилотни дарҳол хабардор қилиш;

йирик габаритли маиший чиқиндилар ва қурилиш чиқиндиларини хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқарувчи ташкилотлар томонидан белгиланган, вақтинчалик махсус ажратилган жойларга жойлаштириш ва уларнинг чиқинди тўплаш шохобчаларидаги контейнерларга ташланишига йўл қўймаслик;

суюқ, йирик габаритли маиший чиқиндилар, чорвачилик, қурилиш чиқиндилари ва тупрок, дарахт ва буталарни кесиш ҳамда агротехник ишлов беришдан ҳосил бўладиган чиқиндилар (дарахт ва бута шох-шаббалари, кесиш ишлари қолдиқлари, барглари ва бошқалар) ва смётларни олиб чиқиб кетиш бўйича қўшимча кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиш учун Ижрочи ёки бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилот билан келишилган нархларда тўлов эвазига алоҳида шартнома тузиш;

кўрсатилган хизматларни Ижрочининг ҳужжатларида ўзининг (ёки ўз вақилининг) имзоси ва муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқлаб бориш;

Ижрочи билан биргаликда ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин хар ой 5 кун мобайнида фойдаланилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш (солиштирма) далолатномасини тузиш.

4.3. Истеъмолчи қонун ҳужжатларига ва ушбу Шартномага мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5. Тарафларнинг жавобгарлиги.

5.1. Тарафлардан бири ушбу Шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу Тараф бошқа Тарафга етказилган зарарни тўлайди ва (ёки) қонун ҳужжатларда ҳамда ушбу Шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.

5.2. Кўрсатилиши лозимозим бўлган ёки кўрсатилган хизматлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Истеъмолчи Ижрочига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоиз миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50,0 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

5.3. Хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, Ижрочи Истеъмолчига кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50,0 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

5.4. Тарафлар ўртасидаги хар қандай низолар (баҳслар), агарда ўзаро битимга келинмаса, уларнинг (улардан бирининг) даъво аризаси асосида Тошкент туманлараро иқтисодий судининг муҳокамасига тақдим этилиши мумкин.

6. Шартнома муддати.

6.1. Ушбу Шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва Тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади. Бюджет ташкилоти бўлган Истеъмолчи учун ушбу Шартнома тегишли ғазначилик бўлинмасида мажбурий олинган кундан бошлаб кучга киради.

6.2. Ушбу Шартнома амал қилиш муддати 2022 йил "10" январ дан 2022 йил "31" декабр гача белгиланади. Муддат тугагач, агар Тарафлардан бири муддат тугашидан олдин ушбу Шартноманинг амал қилинишини тугатиш ҳақидаги ўзининг ниятини ёзма равишда билдирмаса, у кейинги йил учун ўзгартирилган ҳисобланади.

6.3. ушбу Шартноманинг амал қилиниши қуйидаги ҳолларда тугатилади:

Ижрочи ва Тошкент шаҳри ҳокимлиги ўртасида тузилган Маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатишга шартнома бекор бўлганда ёки ўнинг амал қилиш муддати тугатилганда (агар у ўзайтирилмаса);

Истеъмолчи Ижрочининг хизмат кўрсатиш зонасига кирмайдиган ҳудуддаги манзилга кўчиб кетганида;

Истеъмолчи ушбу Шартнома тузиш пайтида жойлашган манзили Ижрочининг хизмат кўрсатиш зонасидан чиққан ҳолда;

Ижрочининг тугатилиши;

Истеъмолчи тариқасида бўлмиш юридик шахснинг тугатилганда ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти тугатилганда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.

7. Бошқа айрим шартлар.

7.1. Ижрочи Истеъмолчининг, агар у юридик шахс бўлса - Истеъмолчи ходимларининг ва (ёки) бошқа жисмоний шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги ва Истеъмолчининг мулкига зарар етказилганлиги факти аниқланган ҳолатларда, ушбу ҳолатни тасдиқловчи далолатнома тузилади.

7.2. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қушимчалар киритиш Тарафлар ўртасида тегишли келишув тузилиши билан амалга оширилади.

7.3. Почта (юридик) манзил, банк реквизитлари, номлари ёки ҚМЧ ҳажми ўзгарган тақдирда, Тарафларни 10 кун олдин ёзма равишда огоҳлантириш керак.

Ушбу Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилиб, Тарафларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади.

8. Тарафларнинг почта манзиллари, тўлов ва бошқа реквизитлари.

Ижрочи

“Сергели - Махсустрас” АТФ
Манзил: 100121, Тошкент шаҳар,
Сергели тумани, Садий кўчаси 232,
тел: (71) 250-97-54, 250-74-49,
СТИР: 200903001 МФО: 00425
“Ипотека-банк” АТИБ Шайхонтохур
филиали х/р 20210000200118948015



Т.Г. Якубов

(имзо)


Истеъмолчи

Манзил: _____
Тел: _____
СТИР _____
ОКЭД _____
МФО _____



(имзо)

А.Б.Мухаммадиев



Handwritten signature at the bottom right of the page.